ХОРАЗМ РЕСПУБЛИКАСИДА ВАҚФ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

И.АЛИМОВ

В статье на основе богатого архивного материала освещена вакуфная политика Хорезмской республики, противоречия в её подготовке и процессе осуществления; раскрыты сущность и последствия данной политики.

In this article is covered the basis of a rich archival material the vakuf policy of the Khorezm republic, contradiction in it's preparation and process of realization; are opened essence and consequences of the give politics.

Вақф ислом анъанасида давлат раҳбарлари, амалдорлар ва бойлар томонидан ўзининг шахсий мулкидан диний муассасалар, масжид, мадрасалар ва ш.к.ларга ажратилган мол-мулкдир. Хива хонлигида, барча мусулмон давлатларида бўлганидек, вақфдан келган даромадлар ўша вақф аталган диний муассасалар ва уларда хизмат қиладиган руҳонийларга сарфланган.

Хонликда экиладиган барча ерларнинг 30 % игачасини ташкил этадиган вақф ерлари ва кўплаб савдо-саноат ва бошқа корхоналардан келадиган даромадларни руҳонийлар ўз қўлида тутиб фойдаланиб келганлар. Диний ташкилотлар даромаднинг асосий қисмини вақф ерларидан оларди. Вақф ерлари икки турга бўлинарди: диний вақф ерлари - улардан олинадиган даромад, асосан, диний ташкилотлар ва хизматчилари учун ва маданий вақф ерлари – улардан келадиган даромад маориф ва хайрия ишларига сарфланарди.

Вақф ерлари вақфкор деҳқонларга ижарага берилган. Ижара ҳақини масжид, мадраса ва бошқа диний ташкилотларнинг мутаваллилари йиғиб, шу ташкилотлар биноларини таъмирлаш, уларнинг хизматчилари эҳтиёжларини қондириш учун сарф қилардилар. Вақф борасидаги шариат қонун-қоидаларига асосланган бу тартиб кўп асрлар давомида, хусусан, хонлик даврида ўзгармай келди. Фақат 1920 йилда Хоразмда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ўзбек халқининг азалий урф-одатлари, миллий, диний қадриятлари поймол қилинди, таҳқирланди.

ХХСР ҳукумати ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб, Туркистон совет республикаси тажрибасидан фойдаланиб, вақф мулкларидан тушадиган даромаддан фойдаланишни назорат қилиш, совет мактаблари учун фойдаланиш чора-тадбирларини кўрди. Шу мақсадда вақфларни бошқарадиган давлат ташкилоти - ХХСР Маориф халқ нозирлиги қошидаги Вақф бўлими ташкил қилинди. Республика ҳукумати томонидан бу бўлимга вақфларни бошқариш бўйича масъулиятли вазифалар юклатилди. Бутун Хоразм халқ вакиллари II қурултойи (1921 йил май) ҳукуматнинг диний сиёсатини такомиллаштирди ва вақф масаласига аниқлик киритди.

I қурултой вақф масаласининг нозик ва мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, шошма-шошарликка, хатога йўл қўймаслик учун бу масала юзасидан умумий тарздаги, ноаниқ қарор қабул қилган эди. I қурултой қабул қилган Конституцияда вақф мулки билан боғлиқ бўлган барча масалалар маориф ва маданият ишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли уни тўғри бошқариш учун Маориф нозирлиги ихтиёрига берилсин, деган кўрсатма берилди. I қурултой қабул қилган Конституциянинг вақф тўғрисидаги бу қоидаси мужмал эди.

II қурултой қабул қилган қарорда очиқ ва равшан, тушунарли қилиб таъкидланадики, вақф мулкларидан йиғиладиган даромад диний ташкилотларга қарашли бўлиб, шариат қоидалари бўйича ҳайрия ва маориф мақсадлари учун белгиланганлиги туфайли дахлсиз ҳисобланади[1;103]. Қурултойнинг бу икки хил шарҳлаб бўлмайдиган аниқ қарорига асосан мадраса ва мактабларга ўзларига тегишли вақф мулкидан шариат қоидалари асосида фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Диний ақидаларга кўра мадраса, мактаб, қорихона вақф мулкларидан келадиган даромаддан вақфномадаги кўрсатмалар асосида фойдаланиши керак. Вақфномада эса, одатда, мадраса имоми, мударриси, мутаваллиси, муаззин ва бошқа хизматчиларига, мадраса ёки бошқа диний ўқув юрти биносини таъмирлашга вақфдан олинган даромаднинг қанча қисми сарфланиши аниқ кўрсатиб ўтилади.

Асрлар давомида мадраса диний қоидалар асосида қози томонидан тасдиқланган вақфномадаги кўрсатмалар бўйича вақф мулки даромадларидан фойдаланиб келган. Бутун Хоразм халқ вакиллари II қурултойи ўлканинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароитидан келиб чиқиб вақфга оид анъанавий қоидаларни сақлаб қолишга қарор қилди.

II чақириқ ХХСР Марказий Ижроия Кўмитасининг I сессияси 1921 йил 9 октябрда қабул қилган қарорида вақф ерларидан олинадиган ижара ҳақидан фойдаланиш тартибига қисман аниқлик киритди. Бу ҳужжатда кўрсатиб ўтиладики, Маориф халқ нозирлигининг вақф бўлими Конституциянинг 25-моддасига асосан, вақф ерларидан вақфнома бўйича ижара ҳақи ундириб олади ва унинг шартларига биноан тақсимлайди, масжид, мадраса, қорихоналарнинг шикастланган биноларини таъмирлаш ишларини ташкил қилади. Диний муассасалар йўқ бўлган тақдирда ортиқча маблағлар Маориф халқ нозирлигига тушади[7;26]. Сессия томонидан II қурултойнинг вақф тўғрисидаги қарорига киритилган қўшимча сессия қарорининг охирги жумласида ўз аксини топган эди. Масжид, мадраса, қорихона ва бошқа диний ташкилотларнинг вақф ерларидан олинадиган даромаднинг уларнинг эҳтиёжидан ортиқча қисмини мактаб, техникум ва бошқа маориф шаҳобчаларига сарфлаш назарда тутилган.

ХХСР ҳукумати диний ташкилотларнинг вақф мулкларидан тушадиган даромаднинг бир қисмини бўлса ҳам, совет мактабларини ривожлантириш учун фойдаланишга бекорга ҳаракат қилмаган. Республикада вақф мулклари катта миқдорда бўлган ва улардан тушадиган даромад ҳажми ҳам салмоқли бўлган. Диний ташкилотларнинг вақф мулклари тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш учун бу масалани батафсил ёритамиз.

Аграр масалани, шунингдек, вақф ерлари масаласини ҳал қилишда Ёш хиваликлар ерли аҳолининг туб иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга тайёр эмаслигини ҳисобга олиб, ерни миллийлаштиришга, бойлар, диний ташкилотлар ерларини мусодара қилишга қарши чиқдилар.

1920 йил 26-30 апрелда Хива шаҳрида халқ вакилларининг Бутун Хоразм I қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда кўп масалалар қаторида аграр, вақф масалалари ҳам муҳокама қилинди. Қурултой ХХСРнинг асосий қонуни - Конституциясини қабул қилди. Конституцияда шундай дейилган: “Халқдан солиқ олиш ва бошқа йўллар билан аҳолидан йиғилган хон ва хон авлодининг пуллари, кўчадиган ва кўчмас мулки, шунингдек, ерлари халқники ҳисобланади ва халқ фойдасига сарфлаш учун республика мулки деб эълон қилинади”. Конституциянинг бу моддасидан кўриниб турибдики, фақат хон ва хон авлодига қарашли кўчмас мулкни, шунингдек, ерларни мусодара қилиш назарда тутилган эди. Вақф ва бойларнинг ерлари мусодара қилиниши мумкин эмас эди. Янги ҳукумат авом халқни психологик жиҳатдан тубдан қайта қуриш ишларига тайёр эмаслигини, аҳолига исломнинг, руҳонийларнинг таъсирини ҳисобга олиб, вақф ва бойларнинг ерларини мусодара қилишдан вақтинча воз кечди. Бу ғоя ХХСР Конституциясида ҳам ўз аксини топди. Унда шундай деб ёзилган:

“Вақф мулклари бутунлай маориф ва маданият билан боғлиқ бўлганлиги учун Маориф нозирлига берилади”[3;506]. Хоразм Республикаси Конституциясининг РСФСР, Туркистон АССР Конституцияларидан фарқи шундаки, унда ишлаб чиқариш воситаларига, шунингдек, ерга хусусий мулкчилик бекор қилинмади. Бу Хоразмнинг тарихий шароитлари билан боғлиқ аграр ўзгаришларнинг муҳим томони эди.

Хоразм Республикасида диний ташкилотлар ва уларга тегишли вақф мулкларининг аниқ ҳисоб-китоби олиб борилмади. Вақфларни бошқариш учун ХХСР Маориф халқ нозирлиги ҳузурида вақф бўлими ташкил қилинганига қарамай, 1920-1921 йиллари унинг ҳуқуқи ва вазифалари давлат томонидан аниқ белгилаб берилмади. Вақф мулкларини рўйхатга олиш катта куч ва маблағ талаб қиларди. Вақф бўлими бундай имкониятга эга эмас эди. Лекин ҳар бир диний ташкилотда вақфномалар бўлиб, одатда, унда вақф мулклари миқдори аниқ кўрсатилган эди. ХХСР худудидаги вақф ерлари миқдори ҳақида нисбатан тўла маълумотлар бор. Бу маълумотлар Вақф бўлими ҳужжатлари орасида сақланиб келган.

Жадвалда кўрсатилган мадраса ва масжидлар сони тўла эмас. Вақф бўлимининг 1922 йилдаги ахборотига кўра, “Хоразм бўйича масжидлар 3 мингга яқин, лекин ҳозирги кунгача дафтарларга рўйхатга олинганлари фақат 845та”[5;219]. Жадвалдаги рақамлар шундан далолат берадики, вақф мулклари кўп, фақат машҳур ва йирик мадраса, масжидлар рўйхатга олинган. Қолганлари майда, вақф мулклари оз масжид, мадрасалар бўлса керак. Шундан келиб чиқиб, жадвалда берилган вақф ерлари тўғрисидаги рақамларни нисбатан аниқ маълумот деб қабул қилиш мумкин.

Хоразм республикаси Зироат халқ нозирлигининг 1924 йил февралдаги маълумотига кўра, суғорилган ерлар 500-600 минг танобдан ортиқ бўлмаган [1;305]. Суғориладиган ва ижарага бериладиган вақф ерлар эса 1924 йилда 126 минг танобни ташкил қилган [8;16]. Бундан кўриниб турибдики, суғориладиган вақф ерлари республикадаги экиладиган ерларнинг тахминан тўртдан бир қисмига

Жадвал №1 [5;218]

ХХСР ДАГИ ВАҚФ ЕРЛАРИ (1922 ЙИЛ)

ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР НОМИ	ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР СОНИ	ВАҚФ ЕРЛАРИ (ТАНОБ)
Мадраса	89	328054
Қорихона	195	35164
Хадми-жой (махсура жой)	88	9537
Муқаддас жойлар, авлиёлар мақбаралари	55	64842
Масжидлар	845	33841
Жами:	1272	471438

яқинини ташкил қилган. Демак, вақф ерларининг ижара ҳақи миқдори давлат томонидан деҳқонлардан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғининг тахминан тўртдан бир қисмига тўғри келган.

Вақф мулклари ва улардан келадиган даромад ғоят салмоқли эканлигини қуйидаги далиллар яққол кўрсатади. Хоразмда 800 мингга яқин аҳоли бор эди. Уларнинг 95 % и қишлоқда яшарди. Фойдаланиладиган ерлар майдони тахминан 1900 минг танобни ташкил этарди. 1922 йилдаги маълумотга қараганда, ХХСРда 471438 таноб вақф ери бўлган. Вақф ерлари республикадаги барча унумдор ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил қилган.

1923 йилги маълумотларга қараганда, ХХСРнинг 89та мадрасаси вақф ерларидан 82822,5 ботмон*, яъни 1600 тоннадан кўпроқ ғалла ундириб олган [5;129]. Бу фақат экиладиган вақф ерларидан олинган даромад. Бундан ташқари экилмайдиган ерлардан: яйлов, кўл ва ўрмонлардан ҳам анчагина даромад қилганлар. Вақф ерлари мадраса ва қорихоналар вақф мулкининг бир қисми эди. Иккинчи қисмини саноат ва савдо корхоналари: бозор жойлари, дўконлар, карвонсарой, ҳаммом ва бошқа мулклар ташкил қиларди. Бу мулклардан ҳам катта даромад олинарди.

Мадрасаларнинг экиладиган вақф ерларидан йиғилган ғалла ҳар бир хизматчи ва талабага ўртача 39,2 ботмондан тўғри келарди. Қорихоналарда киши бошига яна ҳам кўпроқ - 73,7 ботмондан тўғри келарди. Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, мадраса ва қорихона, мактабларнинг моддий шароитлари ёмон бўлмаган. Лекин бу даромадлар аниқ ҳисоб-китоб қилинмаган эди. Мадраса, қорихона мутаваллилари вақф мулкларидан келадиган даромадларни талон-тарож қилган.

ХХСР ҳукуматининг 1921 йил июндан 1922 йил июнигача ўтган даври фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида диний соҳада олиб борилган сиёсат ҳақида шундай дейилган: “Дин ва вақф мулкига нисбатан бутунлай аралашмаслик тамойили амалга оширилди ва бу масалалар энди ҳеч қийинчилик туғдирмайди. Руҳонийлар раҳбарлари билан муносабат ўрнатилган” [1;204]. Партия ва совет идораларининг расмий ҳужжатларида мадраса, қорихона ва бошқа диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмаслик йўли тутилмоқда, деб ёзилган. Хоразм республикасининг Конституциясида расман ёзилганки, руҳонийлар томонидан ташкил қилинган, диний фанлар ўқитиладиган мактаблар хусусий маблағлар ҳисобига фаолият кўрсатади. Давлат бу мактабларга ёрдам бермайди, шунингдек, уларнинг эркин ишлашига тўсқинлик қилмайди [9;26]. Амалда диний ташкилотларнинг барча ишларига партия-совет идоралари аралашарди, уларнинг ҳуқуқларини чекларди.

Мактаб ва мадрасаларни советлаштириш сиёсати амалга оширилиб, улар усули жадид, янги усул тизимига ўтказилди, янги усул дастурига ўтмаган мактаб, мадрасалар вақф даромадидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Совет орган-

* Ботмон Хоразмда, 19 кг 500 граммга тенг

лари диний ташкилотларнинг вақф мулклари даромадини тортиб олиб, уларни совет мактабларини кенгайтиришга сарфлади.

ХХСРда диний ташкилотлар ҳуқуқини чеклаш йилдан йилга авжга чиқди. ХХСР 1923 йилда социалистик республика деб эълон қилингандан кейин социалистик, соф синфий характердаги тадбирлар ўтказила бошланди. Руҳонийларга, вақфга қарши кураш кучайди. Бу ҳолатлар Совет режимидан халқнинг норозилигини янада оширди.

1923 йил октябрда бўлиб ўтган Бутун Хоразм Советларининг IV қурултойи ХХСРни социалистик республика деб эълон қилди. Қурултойда қабул қилинган янги Конституцияда республикадаги барча ерлар, шунингдек, вақф ерлари ҳам умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

Руҳонийлар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Қурултойнинг махсус қарори билан хусусий ерлардан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи вақф ерларига ҳам солинди. Вақфкор деҳқонларнинг вақф ерларидан фойдаланганлик учун ҳам диний ташкилотларга ижара ҳақи, ҳам давлатга қишлоқ хўжалик солиғи тўлашига тўғри келди. Қурултойнинг бу қарорлари руҳонийларни ва вақфкор деҳқонларни норози қилди.

Мустақиллик учун кураш олиб ораётган Хоразм республикаси истиқлолчилари, ватанпарварлар партия ва совет идораларининг хатоларидан, халқнинг норозилигидан фойдаланиб, советларга қарши халқ қўзғолонини уюштирдилар. Хоразм республикаси масъул лавозимларида ишлаган, 1924 йили МИКнинг ташкилий бўлими (у даврда Ижроия шўъбаси деб номланган) мудири бўлган М.Оҳангаров ўзининг жуда қимматли, ҳали эълон қилинмаган ХХСР тарихига оид 503 варақли хотираларида январ қўзғолони тўғрисида қисқача тўхталиб ўтади. У қўзғолоннинг сабабини кўрсатиб, шундай деб ёзади: “Хоразм Совет Социалистик Республикаси ҳукумати ўзининг ташкилий давридан бошлаб янги қонун асосида зарбасини ҳеч истисносиз равишда синфий ёт элементларнинг ҳаммасига бирдан қаратиб борди.

Киши кучидан фойдаланувчи ҳар қандай элементларни советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилди. Ерлар, вақф ерлар ҳам национализация қилиниб, ерлардан фақат ўз меҳнати билан экиб фойдаланувчи деҳқон ва меҳнаткашларгина фойдаланиши мумкинлигини эълон қилди. Солиқларнинг оғирлиги ёппасига ёт унсурларга қаратилди. Бу амалий тадбирлар ва чоралар ёт унсурларнинг охирги куч ва ғазаблари билан совет ҳокимиятига қарши ҳаракатларни қўзғатди” [4;233].

ХХСР янги ҳукуматининг диний сиёсатда, солиқ сиёсатида йўл қўйган хатоси, вақф ерларини миллийлаштириш, давлат мулки деб эълон қилиниши, мусулмон руҳонийларини сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ва бошқа чеклашлар халқ қўзғолонига сабаб бўлганини воқеани ўз кўзи билан кўрган, гувоҳи бўлган М.Оҳангаров ҳам қайд қилади.

Совет ҳукумати Хоразмдаги халқ қўзғолонини қурол билан, ҳарбийлар ёрдамида бостиргандан кейин йўл қўйган хатоларини тўғрилашга киришди. Қишлоқ хўжалик солиғи тўрт баробар камайтирилди[2;307]. Деҳқонларга деҳқончилик асбоб-ускуналари, ишчи ҳайвонлар сотиб олиш учун қўшимча қарз бердилар. Қўзғолон вақтида зиён кўрган хўжаликларга моддий ёрдам кўрсатилди. Диний масалада йўл қўйилган хатолар, қинғайишларни, чегарадан чиқишларни тўғрилаш учун айрим чоралар кўрилди. 1924 йил апрелда бўлиб ўтган ХХСР МИКнинг иккинчи сессиясида вақф масаласи махсус муҳокама қилинди. ХХСР МИКнинг IV чақириқ иккинчи сессияси вақф ерларига нисбатан IV қурултойгача мавжуд бўлган тартибни тўла тиклади ва вақф мулкларини масжид ва мадрасалар ихтиёрида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, Конституциянинг барча ерларни миллийлаштириш тўғрисидаги қоидасига аниқлик киритди. Иккинчи сессия қабул қилган қарорда кўрсатиладики, вақф тўловлари ХССР Маориф халқ нозирлиги ҳузуридаги вақф бўлими томонидан йиғилади ва вақф жамғармасини ташкил қилади. Бу маблағлар вақф бўлими тузган ва Хоразм республикаси МИК тасдиқлаган смета бўйича мактаблар, мадрасалар ва бошқа ўқув юртлари фаолияти учун сарфланади. Масжидларга уларга қарашли вақф ерларидан тушган вақф тўловларидан фойдаланишга рухсат берилди. Шу билан бирга, даромад масжидларнинг харажатларидан ортиб қолган тақдирда уни Вақф бўлими ихтиёрига олиш ва совет маорифи эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

ХССР Марказий Ижроия Комитети иккинчи сессияси вақф масаласида муҳим ислоҳот ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия қарори белгилаб қўйдики, вақфкор деҳқонлардан олинадиган ижара ҳақи ўз ери бор деҳқонлардан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи – солғит миқдоридан ортиши керак эмас. Вақфкор деҳқонларнинг моддий аҳволини яхшилашда бу қарорнинг аҳамияти катта бўлди. Кўп ҳолларда вақф ерларини мутаваллилар йирик ижарадорларга ижарага берарди. Улар эса вақф ерларини бўлиб, кичик-кичик майдончаларни ўзлари хоҳлаган шарт билан, ижара ҳақи миқдорини орттириб деҳқонларга ижарага берарди. Натижада вақфкор деҳқонлар ижарадорларга,

одатда, ҳосилнинг 0,3-0,5 миқдорида ижара ҳақи тўларди. Ушбу ислоҳот туфайли вақфкор деҳқонлар ижара ҳақи тўлашда ўзининг чек ерлари бор деҳқонлар билан тенглаштирилди ва ўртача ҳосилнинг 10% ини тўлайдиган бўлди. Вақфкор деҳқонлар ислоҳот туфайли z-5 баробар кам ижара ҳақи тўлай бошлади. Бунинг натижасида вақф ерларини ижарага олувчи йирик ижарадорлар йўқ бўлди. Вақфкор деҳқонлар йирик ижарадорларнинг жабр-зулмидан, эксплуатациясидан халос бўлдилар.

ретини амалга ошириш тўғрисидаги низомномани 1924 йил 25 ноябрда тасдиқлади ва “Инқилоб қуёши” газетасида эълон қилди [6;40]. Халқ Нозирлар ўроси вақфнинг моҳиятини очиб берди.изомномада кўрсатилишича, “вақф бу Хоразм республикасидаги маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда масжидларга хадя қилинган вақф мулкларидан келадургон даромадлардан маориф, маданият ишларига ҳамда масжидлар эҳтиёжларига фойдаланиш ҳуқуқидир”. Республикадаги барча

“Декрет №7–нчи.

Хоразм Шўролар Социалистик Жумҳурияти Марказий Қўмитаси тарафиндан вақф ҳақида, 1924 йил 8 май.

Умумий шўролар қурултойининг 2-нчи сессиясининг қарорига биноан Марказий Мжроком қарор этадур:

1. Маориф назорати ҳузуринда вақф идораси ташкил этуғу. Тугун вақф даромадлари вақф ижораси тарафинда йиғланиб, ушбу даромадлар Маориф назоратининг хусусий фондини ташкил этадур, ҳам вақф даромадларини мадраса, мактаблар ва ғайрий ўқув юртларини сарф ва ҳал қилув учун вақф идораси тарафиндан маълум план ва смета тузилиб, Марказий Ижроия Қўмита Президиумига тақдим қилиниб, таъмин қилингандан кейин мазкур план ва смета бўйича сарф қилинур. Бутун масжидларнинг вақфлари масжидларнинг ўз харажатлари учун сарф этувини масжидларни ўз ихтиёрига бериладур. Шунинг билан бирга масжидларга дарак вақфларни масжид харожатларидан зиёд бўлган тақдирда маориф ишига сарф этувга вақф идорасига ҳуқуқ бериладур.

2. Деҳқонларда олинадурғон вақф миқдори ҳукуматнинг вақф бўлмаган мулк ерларидан оладурғон солғитининг юқори миқдоридан зиёд бўлмоғи тиюш. Яъни, тўлайдурғон вақфларнинг миқдори ҳукумат солғутининг юқори даражасига баробарлаштируви билан вақфини камайтируб олинур.

3. Вақф ер этадурғон ва деҳқонларнинг тўлайдурғон вақфларининг миқдори ҳукуматнинг солғутидан кам бўлган тақдирда тўлаган вақф миқдорига қараб шуни устина ҳисоблаб устама солғит олинадур. Шул шарт билан ким вақфга ҳам солғитга тўлагани ҳукумат солғитининг юқори миқдоридан зиёд бўлмасин. Аксор, ушбу йил солғитини тўлаган вақф берувчи деҳқонлар бундан мустаснодир.

4. Ушбу декретни амалий равишда ижро қилувини маориф назоратиға топшириладур.

5. Ушбу декрет эълон қилинган кундан эътиборан қувватга киради.

Марказий Ижроия Қўмита раиси СУЛТОНОВ
Масъул саркотиб ДАВЛАТОВ
Ижроя шўъба бошлиғи ОҲАНГАРОВ
Аслидан тўғри ВАЛИЕВ”[6; 29].

Иккинчи сессия қарорини ривожлантириб, унга аниқлик киритиб, ХССР МИК вақф ҳақида махсус қарор қабул қилди. Унинг муҳимлигини ҳисобга олиб тўлалигича келтирамиз:

Ушбу декрет вақф масаласида муҳим аҳамият касб этди. У мадраса, масжид ва бошқа диний ташкилотларнинг вақф мулкига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлади. ХССР МИК Маориф халқ нозирлиги тизимида вақф идораси ташкил этишга қарор қилди. Унинг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ белгилаб берди. ХССР Халқ Нозирлар Шўроси МИКнинг 1924 йил 8 майда қабул қилган вақф ҳақидаги дек-

ча вақфлар иккига - диний ва маданий вақфларга бўлинди. Низомномада алоҳида уқтириб ўтиладики, “Диний вақф ёлғиз масжидлар вақфи бўлиб, бошқалари маданий вақф деб ҳисобланади, чунончи мадрасалар, мозор, қорихона, камбағалхона, авлод вақфлар, махсура, қудуқ, кўприклар вақфлари” [6]. Халқ Нозирлари Шўросининг низомномасида: “Вақф мулклари давлат мулки деб ҳисобланадур,” деб кўрсатилган. Лекин Низомноманинг бу қоидаси амалга оширилмади, диний вақфлар давлат ихтиёрига ўтказилмади, масжидлар ихтиёрида қолди. Вақф мулклари ХХСР Маориф халқ

нозирлиги ҳузуридаги Бош вақф идораси назорати остида масжид мутаваллилари томонидан идора қилинарди. Масжид вақфларининг даромадларини сақлаш учун вақф бўлими ҳузурида махсус вақф жамғармаси тузилди, масжидларга тегишли даромадлар масжид харажатларидан зиёда бўлган тақдирда Бош вақф идораси даромаднинг ортиқча қисмини маориф ишига сарфлаши мумкин эди. Вақф мулкларини идора қилиш ва бошқариш Марказий бош вақф бўлими ва унинг қарамоғидаги шўъбаларга топширилди. Марказий бош вақф бўлими Маориф нозирлиги бўлими қаторида бўлиб, ғоявий таълим-тарбия масалаларида масъул нозирликнинг коллегияси назоратида ишларди. Вақф мулкларидан тушадиган ижара ҳақи ягона қишлоқ хўжалик солиғи - солғут, ҳукумат солғути билан бир миқдорда Молия нозирлиги томонидан йиғилиб, алоҳида вақф жамғармасини ташкил этиб, молияда тўпланарди. Бундан бошқа даромад тўғридан-тўғри вақф кассасига тушарди. Умумий вақф даромадидан Марказий бош вақф бўлими учун 10%гача ҳисса ажратиш қоидаси жорий қилинди [6].Вақф тўғрисидаги ХССР МИК ва Халқ Нозирлар Шўроси қарорлари вақф ишида тартиб ўрнатишда катта роль ўйнайди. Республика вақф бўлимининг ташкил этилиши, унинг бошлиғи Маориф нозирлиги коллегияси аъзоси қилингани, бу бўлим харажатлари учун вақф мулклари умумий даромадининг 10%и ажратилгани Марказий вақф бўлимининг моддий аҳволини яхшилайди. Ўрта Осиё республикаларида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида 1925 йилда Ўзбекистон ССР ва унинг таркибида Хоразм вилояти барпо этилди. Ўзбекистон Маориф халқ комиссариати ҳузурида Бош вақф бошқармаси ва жойларда, жумладан, Хоразм вилояти ижроия қўмитаси қошида вақф бўлими ташкил қилинди. Жойлардаги вақф бўлимлари Бош вақф бошқармаси раҳбарлигида вақф билан боғлиқ ишларни бажардилар.Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Хоразм республикаси ҳукумати Марказнинг партия ва совет органлари тазйиқи билан шариат қонун-қоидаларини бузиб, халқ хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмай диний ташкилотларнинг вақф мулклари даромадидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклашга, охир оқибатда бу ҳуқуқдан бутунлай маҳрум қилишга қаратилган сиёсат олиб борди. Хоразмда совет режими ўрнатилиши биланоқ вақф мулкларини бошқариш диний ташкилотлардан давлат ташкилотига – ХХСР Маориф халқ нозирлиги қошидаги вақф бўлими ихтиёрига берилди. Диний ташкилотларни вақф мулкидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш йилдан йилга кучайиб борди. 1924 йилда мадраса ва мактабларни советлаштириш бошланди, янги усул мактаб ва мадрасалар дастурига ўтмаганлар вақф мулкидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Республикада 3 мадраса ва 10 га яқин мактабнинг советлаштирилгани ҳисобга олинган бўлса, 100 дан ортиқ мадрасалар, бир неча юзлаб мактаблар вақф даромадидан маҳрум қилинган эди. ХХСР социалистик республикага айлантирилганидан кейин вақф мулки давлат мулки деб эълон қилинди ва вақф ерларига хусусий ерлар сингари қишлоқ хўжалик солиғи солинди. Лекин Хоразм халқи бунга қарши қўзғолон кўтарди. Республика ҳукумати мажбур бўлиб, вақфнинг эски ҳолатини тиклади. Шундай қилиб, диний ташкилотларнинг вақф мулкига ҳуқуқлари чекланди, лекин республика даврида вақф миллийлаштирилмади, унинг дахлсизлиги сақланиб қолди.

АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР:

1. История Хорезмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.) Сборник документов.- Т.:Фан,1976
2. История Узбекской ССР. Т.III.- Т., 1967
3. Съезды советов в документах. Т.2. - М.,1960
4. Оҳангаров М. Хоразм Халқ Совет Республикаси тарихи тўғрисида хотиралар. Қўлёзма.
5. Хоразм вилояти давлат архиви (ХВДА), 123-фонд, 1-рўйхат, 4-иш
6. Хоразм вилояти давлат архиви (ХВДА), 123-фонд, 1-рўйхат, 24-иш
7. ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 4-иш
8. ЎзР МДА, 94-фонд, 1-рўйхат, 332-иш
9. ЎзР МДА, 71-фонд, 1-рўйхат, 64-иш

Андижон давлат университети,
2009 йил 3 январда қабул қилинган.